


**ФАРГОНА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ  
ХУДУДИЙ КОРХОНАСИ  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

*БАБМ*

(шахар, туман) ЭТК



**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН  
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ**

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил “21” 81 квота 18 сонли

Одимгерик  
(шартнома тузилган жойи)

Одимгерик ТЭТ (кейинги ўринларда “Корхона” деб юритилади)  
унг асосида фаолият юритувчи раҳбари М. Роджонов  
бир тарафдан ва Роҳик тоъзимчи бўшичи, ДАБМ  
(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Низодов  
асосида фаолият юритувчи раҳбари А. Колобов  
иккинчи тарафдан тизимдаги ушбу шартномани куйидагилар ҳакида туздилар:

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона Истеъмолчига уланган электр тармоқлари орқали Электр энергиясини (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) етказиб бериш мажбуриятини; Истеъмолчи эса қабул килинган Энергия ҳакини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати \_\_\_\_\_ кВА ва ундан юкори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна аввалдан буортма берилга, ёки ягона электр энергетика тизимишининг максимум юкламали соатларида қатнашувчи амалдаги максимал ҳар бир кВт қувват (кейинчалик “Қувват”) учун ҳам ҳак тўлайдилар.

## II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 5499 кВт.с.ни ташкил қиласди.

2.2 Етказиб бериладиган Энергиянинг шартнома тузилган кундаги амалда бўлган тариф бўйича умумий нархи 2474 550 сўмни, Қувватниң нархи 450 сўмни ташкил этади.

2.3 Истеъмолчига етказиб бериладиган Энергиянинг ойма-ой бўлинган йиллик ҳажми ва аввалдан буортма берилган Қувват ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида аникланади (2-илова).

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги “Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар” учун етказиб бериладиган Энергиянинг йиллик минимал ҳажми 5499 кВт.с.ни ташкил қиласди.

## III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун Истеъмолчи ва Корхона ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб килиниши керак бўлган давр бир ойни ташкил этади.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўргасида ҳисоб-қитоб қилиш учун актив ва реактив Энергия ҳамда Қувватниң ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасидаги ҳисобга олиш нуқталарида амалга ошириллади (3-илова).

Агар Энергия(Қувват)ни ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисмидаги Энергиянинг технологик сарфи ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш ўйли орқали далолатнома тузилган колда (4-илова) аникланади ва электр тармоғининг баланс

“Одимгерик ташкилотлари тармоқлари тозиғидаги мансубликни ўйнишни ўзаро ташкил этишади”  
одимгерик ташкилотлари тармоқлари тозиғидаги мансубликни ўйнишни ўзаро ташкил этишади

3.3. Корхона Истеъмолчи билан биргалиқда ҳар ойда Энергия ва Кувватнинг ҳакиқий сарфини аниклаш учун ҳисобга олиш приборлари кўтсаткичларини қайд этади. Истеъмолчи томонидан худудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича чопар орқали ёки факсимиль алоқа ёхуд электрон почта алокаси орқали тақдим этилган электр энергияси ва қуввати сарфи тўғрисидаги ҳисбот ҳам истеъмол килинган электр энергияси ва қувватининг амалдаги ҳажмини аниклаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундана ташкири, Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизими мавжуд ҳолларда қувват учун ҳисоб-китоб, энерготизимнинг максимум юклама соатларидағи Истеъмолчининг максимум юкламасини ҳар ярим соатлик интервалларда бирлаштириб аниклаш эвазига амалга оширилади.

3.4 Корхона ҳар ойда Истеъмолчи билан биргалиқда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини қайд этиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг завод ракамларини ҳамда амалда истеъмол килинган Энергия ҳажми тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисботни расмийлаштиради (5-илова).

3.5 Ҳисбот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчига ҳисоб-фактурани тақдим этади.

Истеъмолчидан турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир обьект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.6 Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг карздорлиги аникланса, Корхона Истеъмолчининг хизмат кўрсатувчи банкига акцептли тўлов талабномаси юборади.

3.7 Ҳисобга олишини назорат қилиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаган ёки Энергия (Кувват) сарфи тўғрисидаги ҳисбот шартномада белгиланган муддатда Иsteъmolчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда Корхона томонидан Энергия (шу жумладан актив ва реактив энергия) ва Кувватни иsteъmol килишининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган давр учун Энергия (Куввати)ни иsteъmol килишининг ўртача амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб килиниади.

Бунда ҳисобга өлишининг назорат қилиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида ёзиб олингандан кейин амалда иsteъmol килинган Энергия (Кувват) учун кайта ҳисоб-китоб қилинади, бу Иsteъmolчи ёки унинг вакилининг иштирокида ёхуд иштирокисиз, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, Корхона хизмаг кўрсатувчи банкга белгиланган тартибда тўлөв талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.8 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергияси иsteъmolчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида”ги Низомга, Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофик, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифлар асосида амалга оширилади.

Иsteъmolчининг тариф гурухига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўtkazilgan “Электр ва иссиқлик энергияси иsteъmolчиларининг тариф гурухлари тўғрисида”ги Низомга мувофик белгиланади.

3.9 Иsteъmolчи келгуси ҳисоб-китоб даври учун давр бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми қийматининг камида 50 фоизи учун ҳақ аванс тарикасида тўлангандан кейин амалга оширилади.

3.10 Иsteъmolчи ҳисоб-китоб даврида иsteъmol килган Энергия ва Кувват учун тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

3.11 Иsteъmolчининг Энергия (Кувват) учун, шунингдек жарима санкциялари, ректив энергия ва қувват компенсацияси учун тарифга устамалар, ноконуний фойдаланилган Энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пея бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови

хисобига ўтказилган маблаглари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

3.12 Энергия (Кувват) истеъмолини хисобга-олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимиға уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш, олдиндан ҳақ тўланган ҳажимда амалга оширилади.

3.13 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлайди.

Бунда тариф ўзгарган тақдирда, Истеъмолчи Энергия (актив, реактив энергия ҳам шу жумлага киради) ва Кувватнинг аванс билан тўланган ҳажми учун, бироқ тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ортиқ бўлмаган вактда кўшимича тўловлар тўлашдан озод этилади.

3.14 Истеъмолчи томонидан тўловлар Корхонанинг барча турдаги банк ҳисоб рақамларига пул маблагларини ўтказиш ёки амалдаги қонунчиликда рухсат этилган тартибда амалга оширилади.

3.15 Агар уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган саноат ва уларга тенглаптирилган Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчининг энергетика тизимини максимум юкламали соатларидаги юкламаси микдорига камайтирилган Кувват микдори учун ҳақ тўлайди.

3.16 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги хисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиширима далолатномасини тўзади.

Истеъмолчи солиширима далолатномасини имзолашдан бош тортса, қарзни ундириш шартномавий ҳажмдан келиб чиқсан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги хисоб рақамига тўлов талабномасини кўйиш йўли билан амалга оширилади.

3.17 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) ҳисоб-китоб даврида шартномавий ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблаглар қайтарилмайди ва кейинги хисоб-китобларда инобатга олинади.

3.18 Тўлов ҳужжатларида хатолар, ҳамда хисобга олиш приборларида носозликлар ёки кўрсатгичларида ноаникликлар аниқланган тақдирда, Истеъмолчи Корхонага дархол мурожаат килиш керак.

Корхона, Истемолчи мурожаат қилган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай, хисоб-китобни текшириши, зарурат бўлганда эса хисобга олиш приборини кўрикдан ўтказиши керак.

3.19 Энергияни хисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вактинчалик бузилганда етказиб берилган Энергия учун хисоб-китоб Корхонанинг карори бўйича, хисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги хисоб-китоб давридаги ёки хисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртacha суткали сарф бўйича амалга оширилади.

Энергиянинг ўртacha суткали сарфи бўйича хисоб-китоб қилиш даври бир ойидан ошмаслиги керак, шу вакт ичida хисобга олиш тикланиши зарур.

Агар хисобга олиш приборини, объектив сабабларига кўра, кўрсатилган муддатда (ток трансформаторининг, хисобга олиш приборининг йўклиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, Истеъмолчига етказиб берилган Энергия учун хисоб-китоб қилиш тартиби ва хисобга олишини тиклаш муддати Истеъмолчи ва Корхонанинг икки томонлама битими билан белгиланиши керак.

3.20 Хисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар), хисобга олиш приборини уланиш схемаси ўзгарган, хисобга олиш приборидан ташкари электр қабул қиличлар уланган ёки Энергия бошкача усулда ўтириланган холларда, Корхона далолатнома асосида Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди.

Ноконуний истеъмол қилинган Энергия сарфи ўрнатилган тартибда аниқланади.

Ноконуний фойдаланилган Энергияни кайта хисоб-китоб қилиш Корхона томонидан, Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларида белгилангандан тартибда, мазкур Коидалар бузилишига бузилишига йўл қўйган Истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд иштироксиз амалга оширилиши мумкин.

Бунда қоида бузиш далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб уч кун муддатда Корхонанинг карорига эътиroz билдирган Истеъмолчининг аризаси кўриб чиқилади.

Кайта хисобланган Энергия сарфи асосида Корхона З иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча хисоб-фактура ёзиб беради, ҳамда хизмат кўрсатувчи банкга тўлов талабномаси юборади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов хужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани конун асосида мажбурий тартибда ундириш чораларини кўради.

#### **IV. ЭНЕРГИЯНИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИ ЧЕКЛАШ ВА ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ**

4.1 Ягона электр энергетика тизимида Энергия(Кувват) танқислиги юзага келган ҳолда, чеклаш ва узуб кўйиш жадваллари асосида Энергия(Кувват) истеъмоли бўйича чеклашлар қонунда белгиланган тартибда киритилади.

4.2 Электр тармоқлари обьектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечикириб бўлмайдиган чоратадбирларни амалга ошириш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни олдиндан огохлантирмасдан, бирок уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узуб кўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Электр манбаидан узуб кўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жарабёнли (максус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганилар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳак тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узуб кўйиш эса – факат суд карорига кўра амалга оширилади.

4.4 “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”ни бузганлиги учун тармоқдан ажратилган Истеъмолчининг электр курилмаларини электр тармоғига қайтадан улаш ва Энергияни етказиб бериш Истеъмолчи томонидан “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” бузилган ҳолатлари бартараф этилгандан сўнг ва Ўзбекистон Республиқаси Адлия Вазирлиги томонидан 2011 йил 16 августда 2255-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр курилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ белгиланган тўловлаг тўлангандан сўнг, ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

#### **V. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **5.1 Истеъмолчининг хукуклари:**

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
- б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган микдорда етказиб берилшини талаб қилиш;
- в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларига жавоб беришини талаб қилиш;
- г) Корхонанинг электр тармоқлари обьектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узуб кўйишгача камида 3 сутка олдин огохлантиришини талаб қилиш;
- д) Энергиянинг тегишли микдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда, жорий ой тугашидан камида 10 кун аввал берилган талабнома асосида Энергиянинг шартномавий микдорини ўзгартиришини талаб қилиш;
- е) олдиндан ҳак тўланган ёки тўланмаганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш юзасидан ўзгартиришини талаб қилиш;

ж). Корхона томонидан Энергия тўлиқ етказиб берилмаганилиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган энергия етказиб берилганилиги сабабли етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш.

### 5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) Энергия (Кувват) учун мажбурий олдиндан тўловларни ва якуний хисоб-китобларни шартномада белгиланган муддат ва микдорларда амалга ошириш;
- в) Электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини ва “Истеъмолчиларининг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидалари”га риоя қилиниши, ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
- г) 7-илювага мувофиқ компенсация қурилмаларининг ишлаш режимига (реактив Энергия ва Кувват истеъмоли) риоя қилиш;
- д) энергетика тизимиning максимал юклама соатларида талаб этилган Кувват микдорини оширмаслик.
- е) йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин Энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома бериш;
- ж) келгуси йил учун Энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда Энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга Энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қўйидагиларни ҳисобга олиши ва натижалари хақида Корхонага хабар бериши шарт:

- истеъмол қилинаётган Энергия(Кувват)нинг суткалик, ойлик сарфлари;
- ягона электр энергетика тизимиning максимал ва минимал юклама даврида реактив Энергия(куват)нинг хар суткалик сарфи;
- ягона электр энергетика тизимиning максимум юкламасини ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) хар 30 дакиқадаги сарфи.

### 5.3 Корхонанинг хуқуклари:

- а) Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган шартномавий мажбуриятларни бажарилишини талаб қилиш;
- б) хисоб-китоб даврининг ҳохлаган кунига ўзаро хисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузипни талаб қилиш;
- в) Қўйидаги ҳолларда Истеъмолчига Энергияни етказиб берилишини тўхтатиб қўйиш ва оқибатлари учун жавобгар бўлмасликга:
  - Энергия (Кувват) шартномавий микдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;
  - электр таъминоти шартномасини тузмасдан (узайтирасдан) Энергия истеъмол қилинганда;
  - “Ўзстандарт” агентлиги томонидан киёслашдан ўтказилган Энергияни хисобга олиш приборлари бўлмаганда ёки хисобга олиш приборларининг киёслаш муддати ўтиб кетганда;
  - Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган микдорда ва муддатларда тўловлар амалга оширилмаганда;
  - Корхона тармоқларига Истеъмолчининг электр қабул қилгичлари ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган микдордан ошириб юборилганда;
  - электр қабул қилгичлар хисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни хисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан хисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда ва/ёки хисобга олиш приборлари ўзбошимчалик билан жойидан кўчирилганда;
  - Корхона вакили хисобга олиш приборларини кўришга кўйилмаганда;

г) Реактив энергия ва кувват ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига кувват коэффициентининг норматив киймати истеъмолчилар (маиший истеъмолчилардан ташқари) томонидан кўллаб-кувватланмаслиги аникланганда худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, электр энергияси ва актив кувват истрофгарчилиги кийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан кўшимча маблағ ундирилади.

#### 5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

- шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;
- Истеъмолчига Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўгрисида ёзма равища маълум қилиш;
- жорий этиладиган чеклашлар ҳакида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида ёзма равища хабар қилиш;
- Истеъмолчиларнинг Энергия керакли микдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузилишлари ҳакидаги аризаларини олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, қоида бузилишларини бартараф этиш чораларини кўриш ва Истеъмолчига жавоб юбориши;
- Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий микдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) имконияти бўлмаган тақдирда эса, бу ҳақда Истеъмолчига рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар бериш.

### VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, Корхона шу туфайли етказилган зарарнинг, Истеъмолчи эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини коплаши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилган ёки Энергия шартнома микдорининг 5 фойзидан ортиқ микдорда етказиб берилмаган ҳолларда, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлар суммасининг 0,1 фойзи микдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фойзидан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонади шартнома шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва ётказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.3 Истеъмолчи етказиб берилган Энергия учун ўз вақтида ҳак тўламаса, Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фойзи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фойз) микдорида, лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фойзидан ортиқ бўлмаган микдорда шарти билан пеня тўлайди.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганданидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномавий микдордан 5 фойздан ортиқ Энергия истеъмол

қилганда, шартномавий микдордан ортиқча истеъмол қилинган Энергия ҳажми учун амалдаги тарифнинг 50 фойзи микдорида Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Агар Энергиянинг ушбу шартномада белгиланган тегишли микдори учун олдиндан ҳак тўланган бўлса, Истеъмолчининг таклифига биноан ҳисоб-китоб даври тугашидан камида 10 кун олдин кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий микдорларига киритилган ўзгартришлар, шартномада белгиланган микдордан кўп истеъмол қилинган Энергия сарфи деб ҳисобланмайди.

6.6 Корхона куйидаги ҳолларда Истеъмолчи олдида моддий жавобгар ҳисобланмайди:

- Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл кўйиб ҳамда Корхона томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаганилиги натижасида баъзи суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилган ҳоллар юзага келса;<sup>4</sup>

- захира манбанин автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезлик учирисларнинг ишлаб кетиш вақтларида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келган ҳолларда.

6.7 Истеъмолчининг амалдаги юкламаси ягона электр энергетика тизимининг максимум юкламали соатларида шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча қисми учун белгиланган тарифнинг 100 фоизи миқдорида жарима ундирилади. Қўшимча Кувватга ҳак тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Кувватдан фойдаланиш хукуқини бермайди.

6.8 Коидабузарлик учун электр тармогидан узилган Истеъмолчи электр қурилмаларини электр тармоқларига кайтадан улаш учун Истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўловлар уни “Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари”ни бузилганилиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

## VII.ФОРС-МАЖОР

7.1 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар)) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганилигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

## VIII. ЯКУНЛОВЧИ КОИДАЛАР

8.1 Мазкур шартнома иккি нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

8.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳакида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар таълимувига биноан ўзгартирилиши мумкин.(Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатта олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетиарининг газна ижроси коидалари”га ).

8.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл кўйилади.

8.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикиси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари” ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

8.6 Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиқкан тақдирда, тарафлар, коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда судда ҳал қилинади.

## IX. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Истеъмолчи:

Манзил: Республика Узбекистан  
Джиззакская область  
Чирчикский район  
п. Чирчик  
 Тел./факс 91) 328-37-45  
 ИП/ХС\* 1000228603020370963 00075005  
 Ташкилотнинг СТИРи 2001746641  
 ИФУТ \_\_\_\_\_

Газначилик бошқармаси номи: Фапгона вилояти бўйича газначилик бошқармаси  
ЯФХ 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса  
 маркази (ХККМ) МФО 00014 Газначилик бош СТИРи 201122919

Телефонлар:

Факс: \_\_\_\_\_  
(Истеъмолчининг телефонлари, жумладан раҳбарларининг узли телефонлари)

Статистик кодлар:

ХХТУТ (ОКОНХ) \_\_\_\_\_

ДБИБТ (СООГУ) \_\_\_\_\_

МИОБТ (СОАТО) \_\_\_\_\_

МШТ (КФС) \_\_\_\_\_

ТХШТ (КОПФ) \_\_\_\_\_

КТУТ (ОКПО) \_\_\_\_\_

Корхона:

Почта манзили О. Жақи майд - 38  
 Ҳисоб рақами 20.636.000.200.215.289.458  
 Банк коди (МФО) 00494 СТИР (ИНН) 200144930  
 Телефонлар: \_\_\_\_\_, Факс: \_\_\_\_\_  
 Статистик кодлар:  
 ДБИБТ (СООГУ)  
 МИОБТ (СОАТО)

ИСТЕЬМОДИН:



Хукукшунос хўбосади:



(имзо)

(Ф.И.О)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№HM21854460**

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:**

Oltiariq tumani Xalq ta’limi bo’limi va “Oltiariq tumani Elektr tarmoqlari korxonasi” o’rtasida ishlab chiqilgan № 16-sonli shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Shartnoma loyihasi Oltiariq tumani Xalq ta’limi bo’limi va “Oltiariq tumani Elektr tarmoqlari korxonasi” o’rtasida ishlab chiqilgan va Oltiariq tumani yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o’tkazish uchun 2022 yil 21-yanvar kuni kiritilgan.

**Huquqiy xulosa:** Shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonun talablariga muvofiq va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkin.

**Oltiariq tumani yuridik xizmat  
ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



**A.Parmonov**

**2022 yil 26-yanvar**